

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

Толипова Дилдора

**РАДИОЭШИТТИРИШЛАРДА БЕВОСИТА МУЛОҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ
(“ЁШЛАР” РАДИОКАНАЛИДА “БУГУННИНГ ГАПИ”
РАДИОЭШИТТИРИШИ МИСОЛИДА. 2012-2013 ЙИЛЛАР)**

5220100 – Журналистика

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Илмий раҳбар:
ўқитувчи
Дилдора Ризаева**

Тошкент - 2013

**РАДИОЭШИТТИРИШЛАРДА БЕВОСИТА МУЛОҚОТЛАРНИНГ
ЎРНИ (“ЁШЛАР” РАДИОКАНАЛИДА “БУГУННИНГ ГАПИ”
РАДИОЭШИТТИРИШИ МИСОЛИДА. 2012-2013 ЙИЛЛАР)**

Режа:

КИРИШ.

АСОСИЙ ҚИСМ

**1-БОБ РАДИОЭШИТТИРИШЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ТИЗИМИДА**

1.1. Радиоэшиттиришдаги янги йўналишлар - давр талаби.

1.2. Радиоэшиттиришлар ва мулоқот турлари.

2-БОБ. БЕВОСИТА МУЛОҚОТ - РАДИОДА ЯНГИЛИК СИФАТИДА.

2.1. Бевосита мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Радиожурналистнинг бевосита мулоқотдаги маҳорати

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ўзининг кенг қамровдаги аудиторияга эга эканлиги билан катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга у омма фикрини, маънавиятини шакллантириб дунёкарашини кенгайтирувчи кучли воситалардан бири ҳисобланади. Бу тармоқлар ёрдамида юртимиз ҳаёти ва жаҳонда юз бераётган энг сўнгги янгиликлар, воқеа ҳодисалардан хабардор қилувчи ахборот манбаларини олишга ва маънавий маданий ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўламиз. Оммавий ахборот воситаларининг ичида радио ҳар томонлама қулай. Чунки уни йўлда кетаётганда ҳам, иш қилаётганда ҳам тинглаш мумкин. Радиоларнинг ривожланиши жараёнида давлат ва нодавлат радиоканаллар пайдо бўлмаса, жамиятда фикрлар ва қарашларнинг турлилигини ярата олишимиз қийин. Негаки, қанча кўп радиоканалларнинг фаолияти йўлга қўйилса бир бирига нисбатан рақобат ҳам кундан кунга жадаллашиб боради. Албатта рақобат бор жойда ўсиш, шаклланиш ва янги ўзига хос янгиликларни яратиш имконияти кўпаяди.

Мавзунинг долзарблиги. Журналистнинг асосий иш қуроли—сўз. Унинг ижодий салоҳиятини, муваффақияти, мағлубиятини сўз ҳал қилади дейиш мумкин. "Ҳар сўзни андиша била бошлагил..." деб таълим беради бундан ўн аср муқаддам яратилган Кайковуснинг "Қобуснома" асарида¹. Ушбу пандномада битилган "Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг, қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингаи сотгил. Йўк эрса, ул сўзни қўйиб, шундоқ сўз дегилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин"² деган насиҳат ҳозирги бозор муносабатлари даври журналистикаси вакиллари учун ҳам аҳамиятлидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз ўз олдида эзгу ва юксак мақсадларни қўйиб, фаровон ҳаёт кечириб келмоқда. Истиқлол йилларида босиб ўтилган тарихий йўл, барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт йўлида илдам қадам босаётганидан далолат беради. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўз

¹ Кайковуснинг "Қобуснома"

² Ўша манба.

маърузаларида шундай дейди: “Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз.”¹ Шундай экан, ҳар бир замондошимизнинг онги ва қалбида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг барча соҳаларида улкан ютуқлар қўлган киритилган. Унитилган кадриятларимиз, бой маданий меросимиз дунё юзини кўрмоқда. Бу албатта, хур фикрли, демократик давлат қурилиши учун қўйилган қадамларимиз натижасидир. Миллий мафкурамиз шаклланди. Ўзлигимизни танидик. Улуғ аجدодларимиз хотирасини ёд этиб, уларнинг тарихимизда тутган ўрнини ўрганмоқдамиз. Тилимиз, динимиз, эътиқодимизнинг унутилган зарваррақлари очилди. Бу ўринда Республикамизнинг маданий, маърифий соҳаларидаги ўзгаришларда, илм-фандаги ривожланишда оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни ва хизматлари борлиги айтиб ўтишимиз жоиз. Оммавий ахборот воситалари мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган ютуқларимиз тарғиботчиси. Ҳукумат қарор ва кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ этишда асосий омил бўлиб хизмат қилувчи оммавий ахборот воситалари кенг омманинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантирувчи воситадир.

Ушбу малакавий битирув иши ҳам Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги ижтимоий, маънавий, маърифий ҳаётдаги ўзгаришлар, радиоканалларда тоқшоу, бевосита мулоқот каби эшиттиришларнинг вужудга келиши ҳамда дастурнинг ёритилишида журналистларнинг маҳорати ва маданияти масалаларига бағишланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Жамиятимизнинг турли қатламлари: зиёлидан тортиб, оддий хизматчи, қариялардан тортиб энди дунё таниётган болакайга ҳам мустақиллик нашидасини етказиб беришда, унинг неъматларидан баҳраманд бўлишда оммавий ахборот воситаларининг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент.: Маънавият, 2008, 7-бет

хизматлари беқиёсдир. Ҳукуматимиз, Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган қарор ва қонун ҳужжатлари эркин ва ҳур фикрли журналистлар учун кенг имкониятлар яратиб берди. Халқимиз информацияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг ҳар бир йўналишида янгидан-янги ўзгаришлар олиб бориляпти. Мазкур битирув малакавий иши ҳам радиожурналистикада янги йўналиш сифатида ўз ўрнига эга.

Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишида республика радиосида эфирга бериб борилаётган бевосита мулоқотли эшиттиришлари хусусида фикр юритишдан аввал ўз мулоҳаза ва таклифларимизни баён этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Битирув малакавий ишини ёритишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади:

- бевосита мулоқотли эшиттиришларга, жумладан, “Бугуннинг гапи” радиоэшиттиришининг ўрни, мақсад ва вазифасини аниқлаш;
- бугунги кунда билвосита мавзудаги эшиттиришлар билан бевосита мулоқотли, тўғридан-тўғри эфирга узатилаётган эшиттиришлар таҳлили;
- тақдим этиладиган материалларнинг мавзуси жанр кўриниши радиожурналист ва олиб боровчининг маҳорати хусусидаги фикрлар.

Тадқиқот объекти.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Yoshlar” радиоканалининг маърифий-муסיкий эшиттиришларида ёритилаётган турли мавзудаги билвосита ва бевосита мулоқотли эшиттиришлар тингловчи диққатини тортаётгани сир эмас. Ушбу малакавий битирув ишининг объекти сифатида давлат радиоканаллари орасида алоҳида ўрнига эга бўлган “Yoshlar” радиоси дастурларининг бевосита мулоқотли эшиттиришлар таҳлилига бағишланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

Бугунги кунда ОАВ ларида бир қатор давлат радиоканаллари фаолияти ҳақида илмий мақолалар ёзилган бўлсада, тадқиқотимиз объекти бўлмиш “Yoshlar” радиоси дастурларидаги бевосита мулоқотли радиоэшиттиришларнинг бу борадаги фаолияти илмий таҳлилга илк бор тортилмоқда. “Yoshlar” радиоси

дастурларининг ўзига хос жиҳатлари, радиобошловчиларнинг имиджи ва нутқи муаммолари ҳамда муаллифлик эшиттиришларида журналист маҳорати ва маданияти масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, бевосита мулоқотли эшиттиришларнинг бугунги кун учун аҳамиятли жиҳати, ва бошқа давлат ва нодавлат радиоларидан фарқли томонлари ва эришган ютуқлари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти

“Yoshlar” радиоканалида фаолият олиб бораётган бошловчилар ва журналистларнинг ижодий маҳоратларини ўрганиш биз бўлажак мутахассислар учун фойдадан холи эмас. Президентимиз таъкидлагандек “Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас.”¹ Чунки ўз касбининг устаси бўлган журналист халқни маълум бир таъсир доирасига олиб кириш қудратига эга, бу ҳам шараф, ҳам масъулиятдир. Бўлаётган ҳодисалар моҳиятини чуқур англаш, содир бўлган воқеликга тўғри ва ҳаққоний муносабат билдириш журналистнинг муҳим вазифасидир. Ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг ривожланишида хусусий каналларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боисдан ҳам “Yoshlar” радиоканалининг бугунги кундаги имкониятлари ва ютуқларини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганман.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши

Битирув ишига кириш, тўрт фаслдан иборат икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Биринчи боб- **“1-БОБ РАДИОЭШИТТИРИШЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЗИМИДА”** деб номланиб, икки параграфни қамраб олган. Биринчи параграф: **“Радиоэшиттиришдаги янги йўналишлар - давр талаби”**, деб номланиб, унда радиоэшиттиришларнинг вужудга келиши, аудиторияси ва ривожланиш босқичлари атрофлича таҳлил қилинган. Иккинчи параграф **“Радиоэшиттиришлар ва мулоқот турлари”** деб номланиб, юртимизда фаолият олиб бораётган “Yoshlar” радиосининг очилиши ва бугунги кунгача эришган натижалар мезони тадқиқ қилинди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008,135-бет

Иккинчи боб “2 - БОБ. БЕВОСИТА МУЛОҚОТ - РАДИОДА ЯНГИЛИК СИФАТИДА” сарлавҳаси билан икки параграфга бўлинган. Биринчи параграф “Бевосита мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланади. Бу бандда радиоэшиттиришларда бевосита мулоқот радиосидаги бир қатор интерактив эшиттиришлар таҳлил қилинган. Иккинчи параграф “Радиожурналистнинг бевосита мулоқотдаги маҳорати” деб номланади. Бу бандда дастур бошловчиларининг нутқидаги камчиликлари, адабий тил меъёрларига қай даражада амал қилиши ва эфир жараёнидаги кўринмас қиёфаси атрофлича таҳлил қилинади.

Малакавий битирув ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида келиб чиққан мухтасар хулосалар берилган.

1-БОБ РАДИОЭШИТТИРИШЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЗИМИДА

1.1. Радиоэшиттиришдаги янги йўналишлар - давр талаби.

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш йўлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зеро, бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. XXI аср – ахборотлашган жамият асридир. Дарҳақиқат, республикамиз Президенти И.Каримов, “янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир”¹, - дея бежиз таъкидламаган. Қолаверса, юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор вазифалари сифатида белгиланган III қисми “Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш”, деб номланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

“Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.”² Оммавий ахборот воситаларининг тузилишига эътибор қилсак, уларнинг ичида тезкорлиги, ҳозиржавоблиги билан радиожурналастика алоҳида ажралиб туради. Масофа, диққат-эътибор ва таъсирчанлик имкониятига эга бўлган радио-халқнинг қийин, энг масъулиятли дамларида ёрдам берган. радионинг бундай имкониятларидан ўз ўрнида фойдалана олган ҳар бир журналист тингловчи қалбида ишонч уйғотиб, радионинг доимий мухлисларининг сонини кўпайтиради.

Радионинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган жонли сўз одамлар қалб эшигининг калитидир. Шунинг учун овоз, оҳанг, мазмун ва моҳиятга тўла бўлган сухандон ёки журналистнинг микрофон олдида айтган ҳар бир сўзи

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 54 - бет.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010.28-бет.

кишиларнинг қалбида йиллар давомида ардоқлаб сақланади. Радио-хаётнинг бир бўлагини борлигича, нозик, ўзига хос хусусиятларини бўрттириб, тингловчига энг тез етказиб берувчи омилдир. Ўзбекистон радиосининг эшиттиришлари йиллар давомида одамларни фикрлашга, ҳаётни таҳлил қилишга ундаган.

Радио - Марказий Осиёдаги энг йирик оммавий ахборот воситаларидан бири, журналистларни тайёрлайдиган, ижодда ўз услубини тотиб, қаламни ўткирлаштирган макондир. Бу ерда давр талабига мос замонавий йўналишлар изланади, янгиланиш анъанаси яратилади. Ҳозирги вақтда ахборотларсиз ишлаб чиқариш ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди, ахборот майдони жамият ҳаётига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ахборот фан ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Ундан самарали фойдаланиш йўллари ва имкониятларини топиш жамият тараққиётининг барча соҳалари ва айниқса, иқтисоднинг зарурий асосини ташкил қилади. Ахборот ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг муҳим омилидир. Шу сабабли ҳам у инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаётини, тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ ижобий гоҳ салбий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди.

Президентимиз И.Каримов «ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»¹, -дея таъкидлайди.

“Мамлакатимизда ҳозир миллий ахборот тизимларини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини тартибга солиш, ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005, 194 бет.

ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.”¹

Жумладан, «Телекоммуникациялар тўғрисида» (20.08.1994. №822-1), «Алоқа тўғрисида» (13.01.1992. №512-XII), «Ахборотлаштириш тўғрисида» (05.02.2004), «Электрон тижорат тўғрисида» (05.2004), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» (05.2004) каби Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиниши бунинг яққол далилидир. Ушбу қайд этилган қонунларда жамиятни ахборотлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Ҳозирги пайтда ахборот, ахборотлаштириш жараёнлари замонавий жамият ҳаётига янгича тасаввурлар, ёндашувлар, дунёқарашларни вужудга келтирмоқда. Ушбу жараёнларнинг илмий-методологик таҳлили ҳозирги ривожланишнинг мезонларини белгилаб беради.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.”²

Сўнгги йилларда янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга, шунингдек, «Телекоммуникациялар тўғрисида», “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.”³

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010. 28-29-бетлар.

² Ўша манба, 29 бет

³ Ўша манба, 29-бет.

Ахборотни турли кўринишларда, масалан, ёзма равишда (матн ёрдамида), оғзаки (товушлар ёрдамида), ҳаракатдаги расмлар (кино, видео, анимация) ва бошқа кўринишларда ифодалаш мумкин. Шу сабабли, аجدодларимиз ахборотни ҳар хил тошларни турли шаклда жойлаштириш ёрдамида, сўнгра папирус япроқларига ахборотни ёзиш орқали сақлашган. Кейинчалик ахборот қоғоз китобларда нашр этиладиган бўлди. Ундан кейин эса мос қурилмалар кашф этилган, ахборотни сақлаш учун фотоплёнка, грампластинка, магнит плёнкада, ҳозирги вақтда эса турли дисклар (эгилувчан, қаттиқ, компакт ва ҳ.к.) қўлланила бошланди.

Радиожурналистиканинг энг долзарб муаммоларидан бири-давр талабига жавоб берадиган, тингловчининг диққат-эътиборини ўзига жалб қиладиган янги йўналишдаги эшиттириш яратишдир. Бугунги кунда журналистика ҳукумат мафкуриси учун эмас, аудитория-тингловчиларининг диққат эътиборини кўпроқ жалб қилиш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситалари самарадорлиги мақола, эшиттириш, кўрсатувларнинг сони билан эмас, уларнинг савияси, аудиторияга ўтказа олган таъсирчанлиги билан ўлчанади. Бу йўналишда асосий талабгор, яъни тингловчининг хоҳишни қондирадиган уни мулоқотга, эътиборга чақирадиган эшиттиришлар тайёрлашдир. Бунинг учун бир хилликдан, зерикарли, такрорланадиган умумийликлар ёзишдан қочиш керак. Ҳар бир эшиттириш рангоранг ҳаётнинг бир бўлагини, одамлар юрагидаги дардли сўзни, айтолмаган орзусини акс эттириши керак. Эшиттиришнинг бош қаҳрамони-тингловчининг ўзи, унинг ҳаёти ҳамда муаммолари бўлиши зарур. Ҳар бир эшиттиришни радиожурналист тингловчи билан ҳамкорликда яратиши керак. Ўзига юкланган масъулиятли вазифани англай олиши, халқнинг ишончини оқлаши зарур. Шундагина радиоэшиттиришлар халқнинг ҳаётидан узилмасдан, унинг информацияга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Тарихдан маълумки, мустабид тузум даврида ҳукуматнинг “дастёр”ига айланган журналистнинг ижод қилиши учун, фикр юритиб, эркин сўз айта олиши учун шароит йўқ эди. Мана, мустақиллик шарофати билан эркинликнинг биринчи белгиларидан бири танлаш ҳуқуқи берилди. Ҳозир

тингловчида ҳам, журналистда ҳам бу имкониятлар бор. Яъни, тингловчи ўзи хоҳлаган радиоканалнинг эшиттиришларини тинглаши мумкин. Журналист эса давр талабига мос келадиган эшиттиришлар учун ўзи истаган мавзунини танлай олади. Шунга яраша бугунги кунда оммавий ахборот воситалари олдига янги талаблар қўйилмоқда. Журналистларнинг энди ўзлари устида тинмай ишлашлари тақозо этиляпти. Одамлар қалбида миллий ғурур ва ифтихорни уйғотиш - янги демократик жамият қуришнинг асосий белгиларидир. Бу эса, ўз навбатида ўзлигини англай олиш, радиожурналистиканинг авваллари ўрганилмаган турли соҳаларини, эшиттиришларнинг янги йўналишини топишдан иборат.

Тарихий тараққиёт тажрибасидан маълумки, инсон ўзи яшаётган табиий ижтимоий муҳитни, ўзини-ўзи ўзгартиришни билиши учун ҳамиша янги ахборотларга эҳтиёж сезади. Бошқача айтганда, инсон ўзининг табиий ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун унга янги ахборот ва билимлар зарур бўлади. Шунинг учун ҳам инсон билимлари доимо ўзгариб турувчи динамик характерга эга.

Ахборот ва билим жамият ривожланишининг барча давларида муҳим рол ўйнаган ва ўйнайди. Жамият ҳаётида ахборотларнинг аҳамияти ва ролини моҳиятан англашга алоқадор ҳолатларда ахборот ва билимнинг ўзаро алоқасини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот ва билим – инсон омилининг барча соҳаларида намоён бўлаётган жиҳатлари билан ҳам ажралиб туриши муҳим илмий-фалсафий масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун биз билим ва ахборот нима, улар ўзаро боғлиқми деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Жамият ривожланишида билим ва ахборот катта аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жамиятда билимнинг ривожланиши ва унга таъсири ишлаб чиқилиб манба сифатида тадқиқ этилади. Жамият ўз ривожланишининг барча босқичларида билимлар ишлаб чиққан ва улардан фойдаланиб келган.

Журналистика жамиятдаги кўплаб соҳаларга нисбатан анча ёш. Адабиёт, математика, тиббиёт каби фанларнинг тарихи минг йиллар билан ўлчангани ҳолда журналистика “илдизи” узоғи билан бир-икки асрни қамбар олиши

мумкин. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, у жадал ривожланиб, бугунги кунда жамиятда устуворлик касб этиб боряпти. Шунинг учун норасмий тарзда “тўртинчи хокимият” номини олган бу соҳага “давр кўзгуси” деган нисбат ҳам берилади. Бу “кўзгу” қанча тиниқ бўлса, унда давр руҳи шунчалик аниқ ва бутун бўй-басти билан акс этади.

Бугун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Республика радио уйида бевосита мулоқотли эшиттиришларни тайёрлаш учун барча техник имкониятлар яратиб берилган. Замонавий ускуналар билан таъминланган студиялар ёрдамида эфирга узатилаётган эшиттиришлар кундан кунга ўз тингловчилари сонини кўпайтирмоқда. Бевосита мулоқотда тиниқ ва аниқ чиқадиган оҳанг-ҳаво мавжларида узатилаётган бошқа эшиттиришларга нисбатан ўзининг таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Давр талабларидан бири бўлган тингловчи диққатини узлуксиз, туну кун жалб қила оладиган, унинг ҳам маънавий, ҳам маданий ҳордиқ чиқаришга ёрдам берадиган радиоэшиттиришлар тайёрлаш мақсадида 1998 йил Ўзбекистон радиосида “Yoshlar” радиоканали¹ иш бошлади.

Авваллари барча эшиттиришларни суҳандонлардан сўзларни тўғри талаффуз этиш, овоз ва оҳанг мутаносиблиги, нутқ ва талаффуз маданияти талаб қилинади. Одатда матн мазмунини яхши англамаган суҳандонлар ўқиган эшиттиришларни, одатда, шу матн муаллифи, саҳифа ижодкори ёки гуруҳ раҳбари бўлган журналист олиб боради. Матн мазмунига чуқур кира билган журналистга телефон қўнғироғларига жавоб бериш, студияга келган меҳмон билан суҳбатлашиш қийин кечмайди. Аста-секин “суҳандон” деган ибораси ўрнига “олиб борувчи журналист” ибораси кўпроқ қўлланиляпти. Бундай радиоэшиттиришлар тайёрлаш учун мусиқа муҳаррири пулт олдида режиссёр, бир нечта оператор ва олиб борувчи журналистлар меҳнати сарф қилинади.

Эшиттириш олиб борувчи ҳар бир журналисти шу соҳа мутахассиси бўлиши шарт. Аммо бу эшиттиришларда баъзи нуқсонлар, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларга қўшиқ, мусиқалар яхши танланмаганлигини, матн мазмунига қўшиқ маъноси мос келмаслигини айтиш мумкин. Тингловчилар

¹ Исмоилова К. Радиожурналистика асослари. -Т.: Университет, 2000, 4-бет.

кўнғирокларининг кадрини тушурмоқда. Бевосита мулоқотга эшиттиришлар радиожурналистика соҳасидаги янги йўналишлар бўлганлиги, журналистларда ҳам малака пастиги юқорида санаб ўтилган камчиликларнинг асосий сабабларидир. Янги йўналишлар, янги имкониятларга эга бўлган бугунги радиожурналистикамиз ўсиш давридадир.

1.2. Радиоэшиттиришлар ва мулоқот турлари.

Ўзбекистон радиоканалларида мулоқотли эшиттиришлар салмоқли ўрин эгаллайди. Радиомулоқотларнинг тури кўп. Ток-шоу, радиорепортаж, радиоинтервью, радиосуҳбат. Бу мулоқотларнинг ҳар бири алоҳидалик касб этади. Четдан қараганда улар бир-бирига ўхшасада, ўз услуб ва йўналишларидан келиб чиқиб, ўрни ва аҳамияти бошқа-бошқа. Масалан, радиорепортаж воқеа содир бўлган жойдан олиб борилади. Бунда айти шу воқеа атрофидаги фикрлар жамланади. Айтилик, мактабда саводхонлик байрами бўлди. Радиожурналистнинг маҳорати-байрамдан ташқари ота-оналар, иштирокчилар ёки устоз билан алоҳида мулоқот қилиб, фикрларини ола билишда. Шунингдек, уларнинг қарашларини жамлаб, ҳолислик билан репортажни яқунлашдан иборат. Хулоса эса тингловчидан.

Тингловчиларни кенг аудиториясини ўзига жалб қиладиган мулоқот тури бу - радиоинтервьюдир. Радиоинтервьюда журналист билан бирор шахснинг ўзаро савол-жавоби етакчилик қилади. Аслида, интервью инглиз тилида “учрашув” маъносини англатади.

Радиосуҳбат ҳам мулоқотли эшиттиришлардан бири ҳисобланади. Радиоинтервьюдан суҳбатдошлар сони кўплиги билан фарқ қилади. Яъни, аксарият радиосуҳбатларда иккитадан ортиқ киши иштирок этади. Радиосуҳбатнинг давра суҳбати, ток-шоу сингари кўринишлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон радиоси Марказий Осиёдаги энг йирик оммавий ахборот воситаларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари чинакамига юксалиш даврини бошидан кечирмоқда, десак муболаға бўлмайди. Буни юртимизда фаолият кўрсатаётган газета, журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва шу каби соҳага оид

ташкilotларнинг сони ортаётгани, маҳсулот сифати яхшиланиб, ўқувчи, томошабин ва тингловчиларга янада манзур бўлиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Мамлакатимиз тараққиёти, жамиятни янгилаш ва демократлаштиришга йўналтирилган кенг миқёсли ислохотлар мазмун-моҳиятини тезкор, холис ахборотлар орқали халқ оммасига етказиш вазифаси оммавий ахборот воситалари зиммасига юклатилган. 2000-йилдан нодавлат радиоканаллари ва улардаги эшиттиришларга бўлган эътибор кучайиб борди. Эфирга узатиш соҳасида сифатли алоқани ишлаб чиқариш, каналларни ажратиш ва лицензиялаш, частоталарни тақсимлаш, телерадиостудияларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари қонуний равишда амалга оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда республикаимиз радиосида жами 4 та дастур орқали 76 соатли эшиттиришлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. Улар «O'zbekiston», «Yoshlar», «Toshkent» радиоканаллари ва «Sport» телерадиоканали тасарруфидаги «Машъал» радиоканалидир.

Шу радиоканаллар орқали эшиттиришлар тайёрлаб, эфирга узатишда бевосита мулоқотли эшиттиришларда ҳам овозли ёзувлар қўлланилади. Аммо уларнинг давомийлиги бир ярим дақиқадан, уч ярим дақиқагача бўлган вақтни, ташкил қилади. Улар асосан интервью, хабар, тезкор янгиликлар жанрида ишлатилади.

Тингловчи қўнғироқларидангина ташкил бўлган бевосита мулоқотли эшиттиришлар ток-шоу жанрида тайёрланади. Бу жанр авваллари асосан хорижий оммавий ахборот воситаларида қўлланилган бўлиб, ҳордиқ чиқарувчи, мухлис диққатини ўзига энг кўп тортадиган эшиттиришларда фойдаланилади.

Сир эмаски, мулоқот турларининг янги кўриниши бу аудиториянинг радиоканалга юборадиган телефон орқали хабарлари, фикр-мулоҳазаларидир. Мамлакатимизда уяли алоқа тизимидан доимий фойдаланувчилар сони тобора ортиб борапти. Бугун бундай хизматдан четда турган одамни учратиш қийин. Ўқувчи-ю талабадан тортиб, жамиятда ўз мавқеига эга бўлган тадбиркор ва ишбилармонларгача мобил телефони кўтариб юришни ўзига урф қилиб

олишган. Эндиликда узоқ шаҳардаги танишингиз билан нафақат телефонда гаплашингиз, балки унга SMS орқали хат ва турли маълумотларни ҳам жўнатишингиз мумкин. Бу тизим хусусий радио каналларнинг барчасида интерактив мулоқотнинг бир кўриниши сифатида номоён бўлмоқда. Мисол учун, "Yoshlar " радиоканалида бир кунда 300 дан ортиқ а SMS қабул қилинади. Уларнинг орасида эфирда фойдаланса бўладиган фикрлардан ташқари, ҳатто расмийроқ давраларда тилга олиб бўлмайдиган сўзларни ҳам учратиш мумкин. Демак, SMSнинг нафақат эшитувчи, балки уни тайёрлаётган дастур муаллифи ва бошловчиларига ҳам таъсири катта бўлади. Шунинг учун ундан фойдаланаётганда, журналистдан ўзига хос хушёрлик талаб этилади. SMS логия дастурининг афзаллик жиҳати шундаки тингловчи SMS орқали нафақат муайян қўшиққа овоз бериш, балки ўз яқинларига табрик ёки салом йўллаши, турли мавзудаги эшиттиришларга тўғридан-тўғри ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, радиоўйинларда қатнашиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, ҳар бир SMS хоҳ у ижобий фикр бўладими, ёки салбий, биринчи навбатда тингловчи билан мулоқот муҳитини яратиши нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Қолаверса, у айти пайтда радиоканалга молиявий фойда келтиради. Шу билан бир пайтда, SMS коммуникация технологиялари ривожининг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Ундан фойдаланиш жисмоний шахснинг замонавийлигини белгиловчи омиллардан бири бўлгани ҳолда, радионинг ҳам давр билан ҳамқадам эканини билдиради.

Бевосита мулоқотли эшититиришларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тезкорлигидадир. Ҳафтада, гоҳида ойлаб етиб боадиган хатлар ўрнини эндиликда эшиттириш эфирга узатиладиган пайтда уланадиган телефон кўнғироқлари эгаллади. Бевосита мулоқотли эшиттиришлар тингловчилардан радиоприёмник ёнидан узоқлашмасликни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида кенг кўламли тингловчи аудиторияси ва бевосита мулоқотли эшиттиришлар самарадорлигини оширади. Кўпчилик тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган эшиттиришлар асосан мусиқа ва замонавий композициялардан, табрик ва кўнгилочар мазмунидаги эшиттиришлардан иборат деб ўйлайди. Аммо бугунги кунда радиомавжлари орқали тингловчилар эътиборига фикрлашга, ўйлашга

мажбур қиладиган эшиттиришлар ҳавола қилинмоқдаки, улар ҳар бир тингловчини бефарқ қолдирмайди.

Дунёда ҳар бир инсонни эзгу иш қилишга, ўз ғояси билан яшашга, илм-фан ютуқларини қўлга киритишга кўмак берувчи шундай ахборотлар борки, улар глобллашув жараёнининг ижобий томонини кўрсатиб беради. Баъзан халқ тарихини йўқотишга уринадиганлар, анъаналарни ҳечга чиқарувчи кучлар ҳам йўқ эмас. Булар глобллашувнинг салбий томони бўлиб, жамиятга катта зарар келтиради. Лекин шундай жаҳолатга қарши маърифат ишлатилса ахборот жараёнининг ижобий томонини янада яхшироқ англай оламиз.

Айнан мана шу жараёнда журналист энг сара ва мазмунли, шу билан бирга аудитория учун қимматли ва муҳим бўлган ахборотни тайёрлаб, етказа олмоғи керак.

Бизга яхши маълумки, ХХІ аср Ахборот асри деб аталиб, айнан мана шу хусусида Американинг замонавий мулоқотчилари (коммуникативистлари) ҳам тўхталиб ўтишган. Улар ХХІ асрни ахборот ва ахборот технологиялари асри деб атаб, ҳар бир тарихий давр ўзининг орзу ва афсоналарига эга дея таъкидлашган.¹

Ҳар бир журналист ХХІ асрда унинг имкониятларидан тўғри ва кенг фойдалана олишга ҳаракат қилмоқда. Чунки ёш авлоднинг маънавий камолотини шакллантиришда ҳам бу асрдаги ахборотнинг ўрни беқиёсдир.

Ахборот билан таъминлаш ҳам салбий, ҳам ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Лекин журналистнинг вазифаси аудиторияга ижобий жиҳатдан таъсир қилувчи ахборотларни тўплаб, етказиб беришдир. Шу сабабли бугунги кунда телевидениеда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларда спортга бўлган қизиқиш ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) нинг “Yoshlar” телерадиоканали томонидан эфирга узатилаётган радиоэшиттиришларда ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама етук ва маънан бой этиб тарбиялаш бағишланган эшиттиришлар талайгина. Ҳар бир радиоэшиттиришда белгиланган вақт давомида омма учун керакли

¹ Эрназаров Қ.ва бошқалар. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. –Т.:ЎзМУ,2002, 90-бет

бўлган ахборот берилиши керак. Айнан мана шу масала “Yoshlar” телерадиоканали учун энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Радио ходимлари ўзлари учун керакли ва жамиятга таъсир қилувчи, яъни ижобий натижаларни кўрсатувчи маълумот ва хабарларни тўплаб, тез, шунингдек, айтиш вақтида беришга ҳаракат қилишади. Бу уларнинг энг масъулиятли вазифаларидир. Шу билан бирга ёш авлоднинг маънавий камолотини шакллантирувчи, келажак авлод учун зарур бўлган маълумот билан таъминловчи эшиттиришлар тайёрлаш ҳам жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ходимлари ўзларининг масъулиятли ишларини телерадиокомпания ташкил этилган йилдан буён бажариб келмоқда. Хусусан, болалар учун тайёрланиб, узатиладиган эшиттиришларнинг барчасида ҳар томонлама ривожланиш бўлган.

Хулоса вилиб айтганда, “Yoshlar” телерадиоканалининг ҳар бир кўрсатуви ва эшиттиришини кузатар эканмиз, деярли камчиликларсиз, шунингдек томошабин ва тингловчи учун тушунарли ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзу ёритилаётганининг гувоҳи бўламиз. Бунда айтиб ўтилган фикрлар бошловчининг айнан ахборот глобаллашуви жараёнида энг муҳим янгиликлардан фойдаланиб, ёшларга ижобий таъсир қилувчи маълумотларни келтирганлигини кўра олишимиз мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларининг ҳар бири алоҳида ахборот манбаи ҳисобланади. Шулар ичида радио алоҳида касб этади. Кейинги пайтларда интеллектуал ўйин шаклидаги мулоқотли эшиттиришлар ҳам кўпайди. Бу радиодастурларнинг ранг-баранглигини ва тингловчилар қизиқишининг ортишига омил бўлади. Бу эшиттиришларнинг муаллифи ёки бошловчиси мулоқотга киришган меҳмон, тингловчи билан танишишда, қизиқишларини, касби, ёшини сўрашда қисқаликка эътибор қаратиб, эшиттириш асосига кўпроқ эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўларди. Умуман, мулоқотли эшиттиришлар радиодастурларнинг муҳим ва тингловчиларни жалб қила оладиган жанрлардир.

2-БОБ. БЕВОСИТА МУЛОҚОТ - РАДИОДА ЯНГИЛИК СИФАТИДА.

2.1. Бевосита мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир радиоканал ўз йўналиши тингловчилар аудиториясидан келиб чиқиб, ўз эшиттиришларини эфирга узатмоқда. Радиоэшиттиришларнинг ранг-баранглиги ва тингловчилар кўплиги билан “Yoshlar” радиоканали биринчи ўринда туради. Умуман, мавзу танлашда журналист ҳам тарғибот, ҳам ташвиқот, қолаверса, энг асосийси ёшларни рағбатлантирувчи, ўз амалий

фаолиятдан шавқ оладиган мавзу танлаши лозим. Бу маҳоратнинг асосий шарти ҳисобланади.

Бундан ташқари, журналистик асар яратишда ҳар бир йўналиш томошабин, тингловчи, ўқувчи қулоғи, кўзи, юраги, ақлига бир бирини такрорламайдиган индивидуал йўл топади. Матубот ходимлари сўзлар орқали воқеликни факт ва ғояларни сатрларга кўз югиртириш билан ҳарфларни бир – бирига қўшиб сўз, сўзларни бир – бирига қўшиб гаплар ҳосил қилади ва бу жумлалар тагида фикрлар ва мақсадлар ётади. Бунда журналист топилмаси фикрни очувчи калит ролини ўйнайди. Радиожурналистларнинг ўткир қуроллари ҳам сўз ҳисобланади. Талаффуз қилинган ва янграган сўз ўзининг мантикий уруғлари, теран фикрлари, интонацияга бойлиги, паузаси ва шовкин мусиқа билан бойитилиши аудиторияга, нафақат матнни балки матн ортидаги сермазмун моҳиятни очувчи радио матн вазифасини бажаради. Телевидениеда эса аудиовизуал образлар орқали томошабин дунёқарашини бойитади. Унинг кучи тасвирда ва бу восита энг таъсир қилувчи ҳисобланади.

Журналистиканинг ҳар бир йўналиши воқеликни ўзига хос очиб беради. Шунинг учун ҳам биз ОАВ матбуот, радио ва телевидение деб қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилганмиз. Хабарнинг илмий тури ўзига хос услуб ва тилига эга. Хабарнинг бадиий тури тилдаги образлилик, кўпмаънолилик, фактларни умумлаштириш ва таснифлаш хусусиятига эга. Журналист эфирга чиқиш олдида ана шу умумлашмани унутмаслиги зарур.

Бугунги кунда телерадиоканалларимизда янги мулоқот тури - ток-шоу эшиттиришлар ташкил этилганки, у суҳбат характериға эға жанр бўлиб, икки ёки ундан ортиқ кишининг тўпланиб, баҳс-мунозараға киришиши, фикр алмашиши, суҳбатлашиши асосида ташкил этилади. “Тўпланиб” сўзи бу ерда шартли равишда ишлатилди. Техник тараққиёт имкониятлари туфайли телекўприк орқали, телефон орқали амалға ошириладиган ток-шоулар ҳам мавжуд. Шунингдек, радиода мухбирнинг турли шахслардан тўплаган мулоҳазалари монтаж ёрдамида яхлит ток-шоуга айлантирилиб, эфирға узатилиши мумкин. Матбуотда суҳбатнинг бу тури “давра суҳбати” деб аталади. Ток-шоу ўз номидан келиб чиқиб, илк бор телевидениеда пайдо

бўлган. Телевидениеда дастлаб “Бевосита мулоқот”, “Оқ ва қора”, “Гап чикди”, “Шахсий фикр”, “50X50” сингари ток-шоулар пайдо бўлди.

Кейинчалик ток-шоуларнинг радиога мослашган турлари ҳам пайдо бўлди. Дастлаб, телевизион ток-шоулар пайдо бўлганда, айрим мутахассислар орасида “энди радио аниқ тугатилади”, деган тахминлар бор эди. Йиллар, вақтлар ўтган сари бу тахминлар ўз тасдиғини топмади.

Хулоса қилиб айтганда, аксинча радиодастурлар бевосита мулоқотли эшиттиришлар, ток-шоулар билан бойиди. Мавзулар кўлами ҳам, эшиттиришларсифати ҳам турли. Бугун бир дастур радио мавжлари орқали эфирга берилмай қолса, биров ўтиб унинг ўрнида бошқачароқ, айти дамда аввалгисиданда яхшироқ, эшитимлироқ радиодастур пайдо бўлади. Сўнгги йиллар ичида Ўзбекистонда давлат ва нодавлат телерадиоканаллар кўпайди. Барчасининг дастурларидан бевосита мулоқотли эшиттиришлар ўрин олган. Демак, қайси кўринишда бўлмасин, бевосита мулоқотлар радиодастурлар учун ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

2.2. Радиожурналистнинг бевосита мулоқотдаги маҳорати

Радиоэшиттиришлар кўлами, бадиий савияси, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни алоҳидалик касб эта бошлади. Шу жумладан, “Yoshlar” радиоканали эшиттиришлари ташкил этилган вақтдан бошлаб, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва шу ўринда кўнгилочар эшиттиришлар билан бойиди. “Yoshlar” радиоканали ўз номидан келиб чиқиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини акс эттирган бевосита мулоқотли эшиттиришлар ташкил этди. Маълумки, мутахассисларнинг фикрича “радионинг табиати оғзаки нутқни талаб қилади”. Шунинг учун мулоқотга чиққан ҳар бир журналист тингловчининг қалбига йўл топа оладиган, унга тушунарли ва кўнглига яқин сўзларни танлаб гапириши керак. Қадим-қадимдан одамлар сўзнинг илоҳий кучига, унинг мўъжизакор таъсирига ишониб яшашган. Яхши тилак, қувончли оҳанг тингловчининг кайфиятини кўтарса, тушкунликдаги овоз салбий таъсир кўрсатади. Радиомурувватини бураган ҳар бир тингловчи ёши, миллати, маълумотидан қатъийназар оддий тингловчилигича қолади. Тингловчининг кайфиятига оҳанг, интонация, шовқин ва мусиқалар таъсир этади. Микрофон

олдига келган ҳар бир радиожурналист минглаб тингловчилар, уларнинг кайфияти, руҳияти олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини сезиши керак.

Бевосита мулоқотни олиб боровчи журналистнинг эфир олдида масъулияти ошади. Чунки унинг ҳар бир қилган хатоси ўзгаришсиз минглаб тингловчилар қулоғига етиб боради. Ҳаво мавжларига чиққан сўз устида муаллифнинг ҳукмронлиги қолмайди. “Yoshlar” радиоканали журналистлари тажрибасида бундай ҳолатлар деярли учрамайди, деса бўлади. Радиожурналист, радиобошловчининг билим ва маҳорати унинг ижодий ўзига хослигининг асосий аломатларидан биридир. Амалий билимлар шахснинг умумий ижтимоий йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир. Радиожурналистнинг шаклланишида анализ, синтез, умумлаштириш каби фикрлаш қобилиятлари муҳим роль ўйнайди. Баъзи вақтларда ўзи яхши билмаган мавзуда материал тайёрлаган радиожурналист эшиттириш савиясини кескин тушуради. Бундай ҳолатлар белвосита мулоқотли эшиттиришга меҳмон чақириб, ўртага ташланган мавзуга тайёрланмаган журналистнинг тажрибасизлигидан бўлиши мумкин.

Ҳатто маиший мавзуларда ҳам тайёрланган эшиттиришлар жамият ҳаётидаги анчайин муаммоларни ёритади. Масалан, 2012 йил 27 апрель соат 21.00 да эфирга узатилган “Бугуннинг гапи”¹ эшиттиришида “Ўзбек сериаллари” ҳақида фикр юритилди. Телесериаллар ҳақида оммавий ахборот воситаларида жуда кўплаб чиқишлар бўлган. “Yoshlar” радиоканали ток-шоу кўринишидаги бу мавзуга барча фикрларни умумлаштириб, янги нуқтаи назарлар юзасидан саволлар қўйиб, эшиттириш меҳмонлари, радиожурналист ва радиотингловчилар учбурчаги бу саволларга батафсил жавоб излашади. Телесериаллар мавзусининг долзарблиги шундаки, унда ёшларни китоб ўқиш, чуқур мушоҳадалардан сериаллар чалғитмаяптими, миллий ёки замонамиз қаҳрамонлари образи қачон телесериаллар мавзусини бойитади, сингари саволларга жавоб изланди. Агар бу ток-шоу бирор телесериал режжисёри, сценарий муаллифи билан интервью шаклида тайёрланганда фикрлар ранг-баранглиги ўрнига фаолият масаласига эришиларди. Тўғри, бу масала ҳам

¹ “Бугуннинг гапи” эшиттириши. “Yoshlar” радиоканали. 2012 йил 27 апрель

муҳим. Бироқ, атрофлича фикрлашиш учун эшиттиришнинг бевосита мулоқот кўриниши муҳимроқ.

Бевосита мулоқотли эшиттиришларнинг ғоявий ва тарбиявий аҳамияти ҳам шундаки, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва тўғри фикрни тарғиб қилишдан иборат. Бироқ шундай натижага эришиш керакки, ҳаққоний хулосани одамларнинг ўзи чиқарсинлар. Бу масалада радиожурналист фақат зукко бўлиши, савол қўйишда ўз фикрини билдирмаслиги (истисно тариқасида мисол келтирса бўлади), шунингдек, ақлли гаплар айтиб “донолик” қилавермаслиги мавсадга мувофиқ. “Yoshlar” радиоканали бевосита мулоқотли эшиттиришлари айтиб ўтилган кусурлардан холи бўлгани учун ҳам тезда оммалашди. “Бугуннинг гапи” радиоэшиттириш нихояга етмаган тарзда, хулосасиз якун топиши билан тингловчиларни жалб қила олди. Шу сабабли бевосита мулоқотли эшиттиришлар энг аудиторияси кенг эшиттиришларга айланди. Хоҳ интеллектуал, хоҳ ижтимоий, хоҳ маиший бўлсин, мавзу ва ғоялар ранг-баранглигига эришган “Бугуннинг гапи” эшиттириши радионинг кўрки бўла олди.

Журналист бирор бир эшиттиришни тайёрлашга киришар экан, бу ишни босқичма-босқич амалга оширади. Аввало, ўртага қўйиладиган мавзу юзасидан далиллар, адабиётлар топиши ва пухта ўрганиши лозим. Битта радиоэшиттириш тайёрлаш бир неча техник ва ижодий ходимлар томонидан амалга оширилса-да, энг катта юк радиожурналист зиммасига тушади. Эшиттириш лойиҳасини тайёрлаш, кўтарилаётган мавзу соҳасига оид мутахассисларни тўплаш, уларнинг вақтлари билан ҳисоблашиш, энг муҳими мавзуга оид долзарб саволларни қўйиш ҳар бир журналистдан кучли малака талаб қилади. Кучли малака эгасигина бугунги кун талаби даражасидаги бевосита мулоқотли эшиттиришлар лойиҳасини ярата олади.

Шунинг учун билим ва маҳорат тўплаш, орттирилган амалиётни ижодий ва танқидий қабул қилиш, ўзининг фаолиятини замоннинг ижтимоий-сиёсий нутқай назаридан тўғри йўналтира олиш ҳар бир радиожурналист учун жуда керакдир. Дунёқараши юқори савияда, қобилиятлари амалиётда узоқ ва давомий равишда тажрибада синалгандагина, радиожурналистнинг маҳоратини

белгилаш мумкин. Айниқса, бевосита мулоқотга чиққан ҳар бир радиожурналист эшиттириш олдидан тинимсиз меҳнат қилиши, ўзининг сўзи, хаяжони, шеваси ва микрофон олдида ўзини тута билиши устида ишлаши лозим. Информацияга бўлган чанқоқлик, қизиқувчанлик радиожурналистнинг асосий белгиларидан биридир.

Журналистнинг кузатувчанлиги ижтимоий ҳаётда бўлаётган воқеаларни тўғри таҳлил қилиш учун керакдир. Эшиттиришга мавзу танлашда тингловчини нима қизиқтира олиши, қайси ечилмаган муаммо уни телефон қилишга мажбур қилишини ҳисобга олган радиожурналист бугунги кунда долзарб бўлган мавзунини танлай олади. Албатта бунда тингловчи аудиториясининг савиясини яхши билиши керак.

“Yoshlar” радиоканалидаги “Бугуннинг гапи” ток-шоусидан бирининг кириш қисмига эътибор берамиз:

“ОВОЗ: - Тошкент, “Yoshlar” радиоканали, 2 студия.

Бу студияда ўйлаб топилмаган мавзуларни муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз.

Эфирда “Бугуннинг гапи” ток-шоуси ва унинг тақдимоти билан камина Насриддин.

Ассалому алайкум!

вставка

ОВОЗ: - Театр. У шундай масканки, бунда маънавий озик руҳий қувват, теран тафаккур юксаклиги ва кўнгиллар ҳаловати учун ижод қиладилар. Саҳна муқаддас, театр ижодкорлари эса ҳамиша масъулиятни ҳис этувчи шахслар бўлмоғи лозим. Бу даргоҳда актёрлар, режиссёрлар ва албатта, драматурглар бирлигидан етук асарлар юзага келади. Саҳнада ёлғон ижро ҳам томошабинни ишонтира олмайди. Саҳнада фақат яшамоқ керак.”¹

Бу ерда радиожурналист маҳорати театр ҳақидаги театр ҳақидаги мавжуд гапларга янгилик қўша олганида. “...кўнгиллар ҳаловати учун ижод қиладилар...”² Бу эшиттиришни ҳам театр ҳақидаги сийқа фикрлар билан

¹ “Бугуннинг гапи” эшиттириши. “Yoshlar” радиоканали. 2012 йил 27 январь

² Ўша манба.

бошлаш мумкин эди. Бироқ бошловчи маҳорати ва журналист савияси туфайли янги фикр туғилди. Бу радиожурналист нафақат ўз эшиттиришига, балки, “Yoshlar” радиоканалига тингловчиларни жалб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бевосита мулоқотли эшиттиришлар тайёрлашда радиожурналист маҳорати ҳақида бирёқлама қараб чиқиш, таҳлил қилиш қийин. Бироқ, бу далиллар, бир радиожурналистнинг эшиттириш учун тўплаган материаллари, эшиттиришга жалб қилинган инсонлар ва улар келтириб ўтган далиллар унинг салоҳиятини аниқлашга хизмат қилади. Тўғри, “Yoshlar” радиоканалида бевосита мулоқотли эшиттиришларнинг турлари, радиоканалда фаолият олиб бораётган журналистлар ҳам кўп. Уларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб ёзиш мумкин. Бироқ малакавий битирув ишида “Yoshlar” радиоканали ҳаво мавжлари орқали тез-тез бериб бориладиган “Бугуннинг гапи” ток-шоуси ҳақида кўпроқ тўхталиб ўтилди.

ХУЛОСА

Бугунги кунда барча оммавий ахборот воситалари каби Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Yoshlar” телерадиоканалида пайдо бўлган замонавий янгиланишлардан бири бевосита мулоқотдир ва унинг бир неча кўринишлари, ўзига хос йўналишлари пайдо бўлмоқда.

Қолаверса, “Yoshlar” радиоканалида радиожурналист ва бошловчи маҳоратини кескин ошириш керак. Сабаби бугунги кунда ахборот тўплаш ва

тайёрлаш ривожланиб бормоқда. Айни пайтда унга бўлган талаб ҳам ошмоқда. Ахборотнинг глобаллашуви инсонлар ўртасидаги фикр ва мулоҳазаларнинг тўқнашуви ва албатта, ғоялар курашишига олиб келади. Дарҳақиқат, глобаллашув – бу ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир. Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлганидек, ахборот глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас.

Бевосита муловотли эшиттиришларни таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келдик:

- ахборот орқали билим ифодаланади, бир субъектдан иккинчисига етказилади;

- замонавий жамиятда мамлакатнинг ривожланиши билим ва ахборотларни инновация ва тадбиқ этиш ўртасида мулоқотни амалга оширадиган ва ахборотни қайта ишлайдиган билим ва мосламаларни юзага келишига нисбатан кўллаши билан белгиланади;

- билимни маъноси ахборот сигналларини кетма-кетлигида, тартиблашида кодлаштирилади. Мулоқотни биринчи субъекти билимни кодлаштириш орқали ахборотга (сўз, гап, матн, алоқа тўлқини, белгилар) айлантиради. Бу субъект ижтимоий гуруҳ, ташкилот бўлиши мумкин. Мулоқотни иккинчи субъекти яна бир марта кодлаштириш амалини бажариб, ахборотни билимга айлантиради;

- ахборот унга қачонки, эҳтиёж, талаб пайдо бўлгандагина билимга айланади. Шунингдек, ахборотлаштирилган жамият таркибий жиҳатдан билим талаблари натижаларидан иборатдир. Булардан биз билим ва ахборотни ўзаро диалектик табиатга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Яъни, билим билим бўлиши учун аввал ахборотга айланиши керак. Бу жараёнда ахборот билимни тасодиф шаклида қайта юзага келтиради.

Бевосита мулоқотли эшиттиришлар Ўзбекистон радиожурналистикасида бугунги кунда мумтоз журналистикамиз анъаналари пойдеворида, замонавий техник воситалари ёрдамида ўзига хос муловот турларидан бирига айланиб бормоқда.

Давр талабига асосланиб, у ўзининг тезкорлиги, ҳозиржавоблиги, барча техник имкониятлари билан тингловчи ва радиожурналист мулоқотининг кўпригидир.

Хулоса қилиб айтганда, радио омавий ахборот воситаси сифатида халқ маънавиятини оширишга, эзгуликка хизмат қилишга, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган воситалардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Оммавий ахборат фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т., 2009.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 ноябрь 2005 йилдаги “Мустақил телерадиоканалларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратadbirlари тўғрисида”ги Фармони.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1997
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003
9. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007
10. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
12. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009
13. Каримов И.А. “Оммавий ахборот воситалари кунига байрам табриги ” //Халқ сўзи, 2010 йил 26 июнь сони

14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010

III. Асосий адабиётлар.

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Тошкент: «Шарқ», 2000
2. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник .- С.Пб. 1999
3. Ибрагимов Ш.М. «Тележурналистика асослари» (Маърузалар матни) - Т.: ЎзМУ 2000.
4. Рахматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. –Т.: Янги аср авлоди, 2005
5. Каримов А. Ойнаи жаҳон фидойилари. – Т.:Тафаккур,2009
6. Ўтаев Ў. Телевидение-давр кўзгуси. –Т.:Тафаккур,2010

муаллифлар жамоаси:

7. Нестеренко Ф.П., Казем М., Ирназаров К.Т., Мам атова и др. Словарь – справочник: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. Т.: Заркалам, 2003.
8. Мухаммедов М. ва бошқалар... Televidenie asoslari (лотин алифбосида) Т.: «Vorish-nashriyot», 2009

Кўп томлик китоблар:

7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-том, 192-193 б.

таржималар:

8. Фихтелиус «Журналистнинг 10 қондаси» Шарқ, 2000.

IV. Журнал ва газеталар.

1. Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2010-2011 йиллар таҳлами
2. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил таҳлами
3. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2010-2011 йиллар таҳлами

V. Интернет материаллари

1. [http:// www. press-info.uz](http://www.press-info.uz)
2. [http:// www.uza/uz](http://www.uza/uz)

3. [http:// www.google.uz](http://www.google.uz)
4. www.mtrk.uz.
5. www.ziyo.net